

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 170 (661)

29

АВГУСТ
ЧОРШАНБА

1956 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИНИН

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети 1956 йил 29 июнда «Давлат фондларидан нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини молларга едирини учун сарфлашга қарши кураш тадбирлари

тўғрисида»ги Қарор проектини муҳобама учун матбуотда аълон қилган эди.
Бу проектин меҳнаткашлар маъқулладилар. СССР Министрлар Совети шу йил 27 августда мазкур Қарор проекти-

ни тасдиқлади. Қарор тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.
Қуйида СССР Министрлар Советининг Қарори тексти аълон қилинади.

Давлат фондларидан нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини молларга едирини учун сарфлашга қарши кураш тадбирлари тўғрисида

«СССР Министрлар Совети қайд қилдики, қишлоқ хўжалигини кескин суратда янада ўсқатириш соҳасида Партия ва Ҳукумат ишлаб чиққан таъбирлари амалга ошириш натижасида кейинги йилларда мамлакатимизда галла, картошка, сабзавот, гўшт, сўт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштириш ва тайёрлаш кўпайди. Шу тўғрисида шаҳарларда ва саноат марказларида 1954 ва 1955 йилларда давлат ва кооператив савдо тармоқлари орқали аҳолига гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сўт, мол ёғи ва ўсимлик ёғи, картошка, сабзавот, крупа, қанд-шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотини анча кўпайди.

Аҳолига ана шу озиқ-овқат маҳсулотларини сотишнинг кўпайишига нон истеъмолнинг ва аҳолига нон сотишнинг камайишига олиб бориши лозим эди. Ҳақиқатда эса бундай бўлмади. Шаҳарлардаги ва саноат марказларидаги аҳолига нон ва нон маҳсулотлари сотини 1953 йилдаги нисбатан шаҳарлардаги ва саноат марказларидаги аҳоли сонининг ўсишига қараганда анча кўпроқ миқдорларда ортди.

Ташкил этилган текшириш натижалари, шунингдек маҳаллий совет органларининг материаллари шунини кўрсатадики, кейинги вақтларда бир қанча шаҳарларда давлат мағазиналаридан сотиб олинмаган нон, крупа, картошка ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини чорва молларга едирини катта кўламини олган. Шу сабабли аҳолига нон сотишнинг жуда кўпайиб кетганига аҳолининг оғирлигини учун ноннинг кўпроқ сарфланиши эмас, балки ноннинг шаҳарлардаги, шаҳар атрофидagi, ички посёлкаларидagi аҳолининг, шунингдек қишлоқ жойларидagi яшовчи, лекин ҳеч ерда ишлагандан, давлат ва кооператив мағазиналаридан сотиб олинмаган арзон нон ҳисобига ҳусусий чорвачилик билан шугулланувчи кишиларнинг шахсий фойдаланишидаги молларга едирини учун сарфланиши кўпроқ сабаб бўлмоқда.

Нон, крупа ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини молларга едирини аҳоли таъминотининг издан чиққанига сабаб бўлади ва демак, давлатнинг ва ҳалқнинг мафлаатларига зарар берилади. Жамоатчиликка қарин бўлган бу иш шаҳарларда ва саноат марказларидаги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш йўлида Партия ва Ҳукумат амалга ошираётган тадбирларга нутур етказилади. Шу муносабат билан меҳнаткашлар маҳаллий ва марказий совет органларига мурожаат қилиб, нормал бўлмаган бундай ҳолат барҳам беришни лозимос қилишмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисида СССР Олий Совети томонидан 1953 йил август ойида қабул қилинган қонун, шунингдек Ҳукуматнинг бир қанча Қарорлари билан граждандарнинг шахсий фойдаланишидаги чорвачиликни ривожлантиришдаги чеклашлар бекор қилинган эди. Уштан икки йил ичида ишчи ва хизматчиларнинг ихтиёридаги чорва моллар сонини кўпайтишга қўйилди: қорамоллар 1,1 миллион бош, (шу жумладан ситилар 300 минг бош), чўчқалар 600 минг бош, қўйлар 1,3 миллион бош ортди.

Ишчи ва хизматчиларнинг шахсий фойдаланишидаги чорва моллар сонини кўпайтирилганининг ўзи ижобий фактор, бироқ бу жамиятимиз учун номатлуб ҳолатга олиб келди. Граждандарнинг шахсий фойдаланишидаги чорва моллар сонининг кўпайишига озиқ-овқат маҳсулотларини ва айнаса нон ҳамда крупага молларга едирини учун сарфлашнинг кўпайишига сабаб бўлди. Шу билан бирга шаҳарларда, ички посёлкаларда ва шаҳар атрофидagi қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг баъзи қисми бозорда чорвачилик маҳсулотларининг нархи хали ҳам анча қimmat бўлганини ҳисобга олиб, бундан спекуляция мақсадали учун фойдаланмоқда. Спекулянт элементлар молларга едирини учун шаҳарлардаги мағазиналардан давлат нархида арзон нон, крупа ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиб, чорвачилик маҳсулотларини бозорда баланд нарх билан сотмоқдалар. Бу спекулянт элементлар саноатда, қолхоз ва совхозларда умумий меҳнат билан шугулланмай қўйганлар ёки кўз бўлмагани учунгина расман қолхоз ва совхоз ҳисобига туриб, амалда асосий касб сифатида шахсий чорвачилик билан шугулланмоқдалар.

Афсуски, спекулянт элементларгина эмас, балки шахсий фойдаланишида чорва моллари бўлган баъзи ишчи ва хизматчилар ҳам чорва моллар учун давлат ер фонднинг банд бўлмаган ерларида, давлат ўрмон фонд ерларида ва шу мақсад учун белгиланган бошқа жойларда пичан ўрнатиш йўли билан, шунингдек қолхозларда ҳисили ўрнатиш йўли билан қатнашган ва ўз полизларидан ҳосил олиш йўли билан ема-хашак тайёрлаш ўрнига давлат ва кооператив мағазиналаридан сотиб олинган нон, крупа ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини молларга едирмоқдалар.

Яна бунинг устига, амалдаги қонунарга қўра, шаҳарларда яшай турган ва ўзининг шахсий чорва моллари бўлган кишилар олдига пул солиғи тўламайди, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш мажбурияти уларга бериладими, бу эса уларга чорвачиликни ривожлантириш учун қолхозчиларга қараганда рағбатлантирувчи шароит вужудга келтирилади, чунки қолхозчиларга чорвачилик маҳсулотларини натуро билан тўлаш мажбуриятлари ҳамда қишлоқ хўжалик солиғи солинади.

Шаҳар атрофидagi қишлоқ жойларда яшовчи баъзи қолхозчилар ҳам чорва молларини боқини учун давлат ва кооператив мағазиналаридан ўзлари сотиб олаётган нон ва бошқа маҳсулотлардан фойдаланишлар.

Бундай аҳоли нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини норасионал сарфлашга олиб келади, меҳнаткашларни нормал равишда таъминлашни бузди.

Нон ва крупаданги нархини шу маҳсулотлар билан чорва молларини боқини ноқулай қилиб қўйилган даражада ошириш йўли билан нонни чорва молларга едирини қарши кураш олиб бериш мумкин бўлар эди, лекин бунинг давлатимизнинг бундай йўл тутиши мумкин эмас, чунки ноннинг нархини ошириш миллион-миллион кишиларнинг мафлаатларига зарар етказилади.

Истеъмолчи гўштини, сўтни ва сўт маҳсулотларини бозордан сотиб олмадан, балки мағазиналардан сотиб олаётган бўлиши учун, шу маҳсулотларни аҳолига ўзларининг чорва моллари бўлган яхка кишилар сотётган нархларга қараганда арзонроқ нархлар билан давлат савдоси шохбачалари орқали сотишни анча кўпайтириш йўли билан шаҳарларда ва шаҳар атрофи жойларда нонни чорва молларга едирининг олдини олиш мумкин бўлар эди. Бундай қилганда чорва моллар билан кишилар давлат мағазиналаридан сотиб олинмаган нон билан чорва моллари боқиндан мафлаат кўро-

майитан бўлиб қолур эдилар. Кейинги вақтларда сўтни ва қисман гўштини тайёрлаш ва харид қилиш анча кўпайди, бу эса шаҳарларда давлат савдоси йўли билан гўшт ва сўт маҳсулотларини кўпроқ сотишга имкон бериб, бироқ, шаҳар аҳолисининг сўтга ва айнаса гўштга ўсиб кетган аҳтиёжи ҳатто катта саноат марказларида ҳам ҳозирча тўлиқ қондирилмаптир, чунки ҳозирча давлат кўлида бу маҳсулотлар етарли миқдорда эмас. Шу сабабли чорвачилик маҳсулотларининг, айнаса гўштининг бозор баҳолари давлат баҳоларидан ортқидир, шунинг учун ҳам чорва моллари бўлган кишилар ўз шахсий мафлаатлари учун бу ҳолатдан фойдаланмоқдалар.

СССР Министрлар Совети шаҳар аҳолисининг ўз қўлида бўлган чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантирувчи қонунари қайтадан кўриб чиқилиши зарур деб ҳисоблайди. Шаҳар аҳолисининг нонни ва бошқа озиқ-овқат товарларини кўп сарфлаб чорва молларини примитив усулда боқётганини ишчи кучини жамиятда умумий меҳнат қилишдан четга тортишмоқда, олинмаётган маҳсулотнинг — гўшт, сўт, туҳумининг еилинмасига кўп миқдорда меҳнат сарфлашга олиб келмоқда, аҳолининг беқарор қисмини йўлдан оздиришмоқда ва социалистик ишлаб чиқаришмизни янада чиқарувчи элементларни тўғирмоқда. Шу нарсага назарда тутмоқ керакики, гарчи ҳозир ўзларининг чорва моллари бўлган баъзи кишилар давлат савдосида ва бозорда чорвачилик маҳсулотлари етиштирилганига сабабли катта-катта даромад олинлари мумкин бўлса ҳам, амамо қолхоз ва совхозларда бу маҳсулотларни етиштириш кўпайтирилган ва шу маҳсулотларнинг анча арзонроқ нархлар билан давлат томонидан сотилиши кенгайтирилган тақдирда ўзларига қарашли чорва моллари бўлган кишилар учун бундай шароит қолмайди, чунки битта ситил, битта чўчка, битта қўйни боқини мафлаат етказмайдиган бўлиб қолади.

Бунинг қонунарига жамоат чорвачилигини ривожлантиришга қаратилган қонунаридан. КИСС Марказий Комитети январь Пленумининг (1955 йилдаги) қарорларида чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий йўллари — қолхозларда ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайтириб, шу йўл билан бутун аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган аҳтиёжларини тўла равишда қондиришни таъминламоқ учун нон хўжалигини юксатириш, ема-хашак етиштиришни кўпайтириш, қолхоз ва совхоз чорвачилигини ривожлантириш, чорвачиликдаги иш процессларини механизациялаш ҳамда далачилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга бўлаётган сарфларни камайтириш йўллари кўрсатиб берилади. Бу йўл халқ мафлаатларига мос бўлиб тушмоқда, шунинг учун ҳам давлатимиз ана шундай йўл тутишни рағбатлантирмоқда.

Шунга қарамай, СССР Министрлар Совети давлат ресурслардан бўлган нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан чорва молларини боқини учун фойдаланишни тўхтатиш тадбирларини кўришни ҳамда ўзларининг чорва моллари бўлган кишиларга пул солиғи солиниши ва сўт ҳамда гўшт етказиб бериш мажбуриятлари солиниши жорий қилиш йўли билан шаҳар аҳолисининг шахсий фойдаланишидаги чорвачиликни ривожлантиришни чеклаб қўйишни зарур деб ҳисоблайди. Азбатта бу тадбир шу категориядаги хўжаликлардан бозорга келадиган чорвачилик маҳсулотлари миқдорини бирмунча камайтириб қўйди, лекин бу камайиш яқин вақтлар ичида қолхозларда ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайтириш йўли билан қопланади.

СССР Иттифоқи Министрлар Совети қарор қилди:

1. Шаҳар жойлариди ҳам, қишлоқ жойлариди ҳам чорва молларини ва паррандаларини давлат ва кооператив мағазиналаридан сотиб олинган нон, ун, крупа, картошка ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини билан боқини ҳамма жойда бутунлай тақиқлансин.

Маҳаллий совет органлари аҳолига шунини кенг тушунириларики, давлат ва кооператив мағазиналаридан сотиб олинган нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан чорва молларини ва паррандаларини боқини учун фойдаланиш меҳнаткашларини шу маҳсулот билан таъминлашни издан чиқаради, бундай қилиш ижтимоий меҳнатда қатнашшини истамайган айрим шахслар қилмаётган спекулянт ишларнинг бир туридир ва жамиятга қарини кичир.

2. Белгилан бўлисинки, давлат ва кооператив мағазиналаридан сотиб олинган нон, ун, картошка ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини чорва молларга ва паррандаларга едирганини учун айбдор бўлган кишиларга, маҳаллий савдо органларининг тақдир қилини билан, меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар ва посёлка советларининг ижроия комитетлари томонидан биринчи галда беш юз сўм миқдорда штраф солинадиган, бу ҳол тақдорланганда эса миңг сўм миқдорда иштраф солинадиган. Бу иштрафлар милиция органлари томонидан ҳеч сўзсиз ундириб олинади.

3. Шу нарса қайд қилинсинки, маҳаллий совет ва савдо органлари етарли равишда контроллик қилмаётганликлари сабабли нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини бир қўлга сотиш учун белгиланган нормалар бузиламоқда, бу эса давлат ва кооператив мағазиналаридан сотиб олинмаган нон ва бошқа маҳсулотларини чорва молларга едирини йўл очмоқда.

Республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари област, ўлка, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари, СССР Савдо министрига, Цетросюз ва барча министрликларнинг ҳамда идораларнинг ишчи таъиноти Бюро бошқармалари зиммасига нон ва бошқа маҳсулотларнинг сотилиши устидан, бир қўлга сотиш нормаларига риоя қилиниши устидан контроль ўрнатиш ва савдонинг белгиланган тартибини бузишда айбдор бўлганларни жавобгарликка тортиш вазифаси юксатсин. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари савдо комиссияларининг, матбулот кооперацияси дўкон комиссияларининг ва Давлат савдо инспекциясининг нон ва нон маҳсулотлари билан савдо қилинишини контроллик қилиб туриш фаолиятини яхшилаш тадбирлари кўрилинсин.

ВЦПСдан нон ва бошқа маҳсулотларни сотиш ҳамда бир қўлга сотиш учун белгиланган нормаларга риоя қилиш устидан омивий ишчи контролдини яхшилаш қасаса советларнинг Марказий комитетларидан, фабрика-завод ва маҳаллий комитетларидан сўралсин.

4. Иттифоқчи республикаларнинг пойтахтлари, област, ўлка марказлари ва автоном республикаларнинг марказлари бўлган шаҳарларда (ўзоқ шимолдаги областлар ёки автоном

республикаларнинг марказлари бундан мустаснодир) яшаб турган ва ўзининг чорва моллари бўлган граждандарга (қолхозчилардан ташқари) пул солиғи солиш ҳамда сўт ва гўшт етказиб бериш мажбуриятларини белгиланган зарур деб топилинсин.

Пул солиғи жорий қилиш ва уни татбиқ этиш тартиби тўғрисидаги Фармон проекти СССР Олий Совети Президиумига киритилсин.

Мажбурият тариқасида етказилиб бериладиган қуйидаги йиллик нормалар белгилансин: бир ситилдан — 400 литр сўт, икки ойилдан катта бўлган бир чўчқадан — 20 килограмм гўшт (тирик ҳолида ҳисоблаганда) ва бир қўй ёки эчкидан — 5 килограмм гўшт (тирик ҳолида ҳисоблаганда). Хўжаликда бир ситил ёки бир қўй, ёки бир чўчка ёки икки қўй (эчки)дан ортқ бўлган ҳар беш чорва молдан мажбурият тариқасида етказилиб бериладиган сўт ва гўшт икки ҳисса миқдорда олинади. Чорва моли бўлган граждандар оқилисининг составида давлат қорхоналарида ва муассасаларда, кооператив ва жамоат таъшилотларида ишлайдиган (рўзгор ишлаги хотин ва ўқувчилардан ташқари) меҳнатга яроқли кишилар бўлса, мажбурият тариқасида етказилиб бериладиган сўт ва гўшт миқдори белгиланган нормалардан 50 процент оширилади.

Мажбурият тариқасида етказиб бериладиган гўшт ва сўт 1 октябрда мавжуд бўлган молларнинг сонига қараб ҳисобланади.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига республика, ўлка ва област марказлари бўлмаган катта шаҳарларда яшаб турган ва ўзларининг чорва моллари бўлган граждандардан ушбу Қарорда белгиланган сўт ва гўшт етказиб бериш мажбуриятлари олиниши жорий қилиш, шунингдек гарчи област, ўлка ёки автоном республикаларнинг марказлари бўлса ҳам амамо унчалик катта бўлмаган айрим шаҳарларнинг аҳолисини сўт ва гўшт етказиб бериш мажбуриятларидан озод қилиш ҳуқуқи берилсин.

5. Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларида шаҳарларда яшаб турган ва ўз қўлида чорва моллари бўлган айрим граждандарнинг жамоат таъшилотларининг, қорхона ва муассасаларнинг ятимослари билан, истисно тариқасида сўт ва гўшт етказиб бериш мажбуриятларидан озод қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Шаҳарларда яшаб турган қолхозчиларнинг хўжаликлариди меҳнатга яроқли оила аъзоларини ҳаммаси меҳнат қунариларини белгиланган минимумини ишлаб бераётганликлари тақдиратини сўт ва гўшт етказиб бериш мажбуриятлари бу хўжаликларга қолхозчи хонадонлар учун белгиланган нормаларда солинсин. Агар шу оилаларнинг айрим аъзолари меҳнат қунариларини белгиланган минимумини узурис сабаблар билан 1 сентябргача ишлаб бераётган қолхозчи хўжаликларга қолхозчиларнинг умумий йилгалилариди ёки вақиларининг йилгалилариди тасдиқланди ёки олинмади ва мазкур хўжаликларга шу тасдиқланган рўйхат асосида гўшт ва сўт етказиб бериш мажбуриятлари солинадиган.

7. Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига шаҳарларда яшовчи кишиларнинг ҳоваларида мол боқини учун санитария шароити бўлмаса бундай кишиларнинг ўзларига қарашли чорва молларини боқинларини тақийлаб қўйишларига ижозат берилсин.

8. СССР Совхозлар министрига, СССР Қишлоқ хўжалик министрига, совхозлари ва ёрдамчи хўжаликларга бўлган бошқа министрликлар ва бошқармалар, республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ва област нархона комитетлари маҳсулотларини ситилларнинг гўшт учун сўйиб юборилишига йўл қўймаслиги мақсадида шаҳарлардаги аҳолининг қўлида бўлган ситилар ва буюқларни совхозларнинг, қолхозларнинг ва қорхоналардаги ёрдамчи хўжаликларнинг сотиб олинларини таъшиқ етсинлар.

9. Белгилан бўлисинки, ўз қўлидаги маҳсулотлар соғини ситилларини қолхозларга, совхозларга, ёрдамчи хўжаликларга, СССР Қишлоқ хўжалик министрига зотан ва фойдаланса бўладиган чорва молларни тайёрловчи ва сотувчи қонтораларига сотган хўжаликлар, шунингдек гўшт-бон қора молларни, чўчқаларни, қўй ва эчкиларни давлат закупкалари тартибиди сотган кишилар мўдати етмаган сўт ва гўшт етказиб бериш мажбуриятларидан озод қилинадилар. Ўзларининг чорва молларини айрим граждандарга сотсалар ҳамда сўйиб юборсалар, улардан сўт ва гўшт етказиб бериш мажбуриятлари тўла миқдорда ундириб олинади.

Чорва мол 1 октябрдан кейин сотиб олинган тақдирда сўт ва гўшт етказиб бериш мажбуриятлари тўлиқ йиллик нормалар бўйича олинади. Олинанинг ишлаб турган ишга яроқли аъзолари состави 1 октябрдан кейин ўзгарган тақдирда мажбуриятларини тўлаш мўддатлари келмаган қисми қайта ҳисобланиб белгиланади.

10. СССР Қишлоқ хўжалик министрига, СССР Совхозлар министрига ҳамда ўзларининг совхозлари ва ёрдамчи хўжаликларга бўлган бошқа министрликларга ва бошқармаларга шаҳарларда яшовчи аҳолининг хўжаликларидан этли қора моли зотан қора мол учун белгиланган нарх билан сотиб олишга, фойдаланса бўладиган чорва молларини эса давлатнинг чорва молларини закупка қилиш нархлари бўйича шу чорва молнинг сифатига ва бозор нархига қараб 50 процентгача устам билан сотиб олишга ижозат берилсин.

11. Қишлоқ хўжалик банки зиммасига қуйидаги вазифалар юксатилинсин:

а) муҳтож бўлган қолхозларга шаҳарлардаги аҳолидан ситилларини сотиб олмақ учун 1956 йилда 5 йилгача мўддат билан кредит берсин ва бу кредитни мазкур кредит олинганидан сўнг иккинчи йилдан бошлаб беш йил ичида ундириб олсин;

б) 1956 йилда совхозларга ва министрликлар (бошқармалар)нинг ёрдамчи хўжаликларига шаҳар аҳолидан сотиб олинмаган ситилларини қимматини Иттифоқ бюджети маблағлари ҳисобдан тўласин.

12. СССР Совхозлар министрига, СССР Қишлоқ хўжалик министрига, ўзларининг совхозлари ва ёрдамчи хўжаликларга бўлган бошқа министрликлар ва бошқармалар, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ва област ижроия комитетлари зиммасига шаҳар аҳолидан сотиб олинган чорва молларини озқалар ва бинолар билан таъминлаш тадбирларини кўриш вазифаси юксатсин».

Б У Г У Н Г И С О Н Д А:

СССР Министрлар Советида. Давлат фондларидан нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини молларга едирини учун сарфлашга қарши кураш тадбирлари тўғрисида (1-бет).

СССР Олий Совети Президиумининг фармонлари (1-бет).

Иван Франко туғилган куннинг 100 йиллигига доир (2-бет).

Тошкент области ва Тошкент шаҳри халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1956 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида Тош-

кент область ва Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг ахбороти (2-3-бетлар)

Давлатга 465 миң тонна пахта берамиз, деб олган мажбуриятимизни ошириб бажарайлик. Т. Йўлдошев. — Мўл ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олиш учун. (3-бет).

БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ ВИСТАВКАСИДА. И. Сулаймонов. — Ютуқларимизнинг ойнаси (3-бет).

Миср ўз суверенитетини ҳимоя қилишга қаттиқ бел болаган (4-бет).

Т. Расулев, З. Муҳаммаджонов. — Тошкент обсерваториясида (4-бет).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

Шаҳарларда чорва моллари бўлган граждандардан пул солиғи олиш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. Иттифоқчи республикаларнинг пойтахтлари, област, ўлка марказлари ҳамда автоном республикаларнинг марказлари бўлган шаҳарларда (чекка Шимолдаги областларнинг ёки автоном республикаларнинг марказлари бундан мустаснодир) яшовчи ва чорва моллари бўлган граждандардан (қолхозчилардан бошқа) пул солиғи олинмаган бўлисин.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига республика, ўлка ва областларнинг марказлари бўлмаган катта шаҳарларда чорва моллари бўлган граждандардан (қолхозчилардан бошқа) ушбу Фармондаги тартибда пул солиғи олиниши жорий қилиш ҳуқуқи берилади.

2. Солиқ бир беш чорва мол учун йилга (1 октябрдан 30 сентябргача) қуйидаги ставкалар бўйича олинади: бир беш ситил учун—500 сўм, икки ойилдан катта бўлган чўчка учун—150 сўм, 1 ёшдан катта бўлган қўй ёки эчки учун—40 сўм, ишлайдиган от учун—1.500 сўм, бошқа иш ҳайвони учун—750 сўм.

Хўжаликда бир ситилдан ёки бир чўчқадан ёки икки қўйдан (эчкидан) ошқ бўлган чорва молнинг ҳар биттаси учун солиқ икки ҳисса миқдорда олинади.

Чорва мол аъзолари бўлган граждандар оиласи составида давлат қорхоналарида ва муассасаларида, кооператив ва жамоат таъшилотларида ишлайдиган меҳнатга яроқли кишилар (рўзгор ишлаган хотиналар ва ўқувчилардан ташқари) бўлса, белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланиб солинадиган солиқ 50 процент оширилади.

3. Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига унчалик катта бўлмаган айрим шаҳарларнинг аҳолисини, гарчи шу шаҳарлар област, ўлка ёки автоном республика марказлари бўлса ҳам, солиқдан озод қилиш ҳуқуқи берилади.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларида шаҳарларда яшаб турган ва ўз фойдаланаётган чорва моллари бўлган айрим граждандарнинг жамоат таъшилотлари, қорхоналар ва муассасаларнинг ятимосларига қўра, истисно тариқасида, солиқ тўлашдан озод қилиш ҳуқуқи берилади.

4. Чорва молларини ҳисобга олиш ва солиқни ҳисоблаб солиш ишлари шаҳар (район) молия бўлимадари томонидан чорва молларнинг 1 октябрда бўлган сонига қараб бажарилади.

5. Солиқ 15 ноябргача ва 15 мартгача баббаравар икки қисмга бўлиниб тўланади.

Чорва моллари бўлган, лекин маҳсулотлар сўт берувчи чорва молларини қолхозларга, совхозларга, ёрдамчи хўжаликларга, СССР Қишлоқ хўжалик министрига зотан ва фойдаланмаган чорва молларини тайёрловчи ва сотувчи қонтораларига сотган, гўштини қорамолни, чўчқаларни, қўйларни ва эчкиларни давлатнинг харид қилиш тариқасида сотган кишилар солиқнинг тўлаш мўддатлари келмаган қисмини тўлашдан озод қилинадилар. Чорва моллар айрим граждандарга сотиб юборилган ёки сўйилган тақдирда солиқ тўла миқдорда ундириб олинади.

Ч

Иван Франко туғилган куннинг 100 йиллигига доир

Бутун совет халқи буюк украин ёзувчиси Иван Франко туғилган куннинг юз йиллигини кенг равишда нишонламоқда.

Украинада қийинчиликлар ва хилма-хил кўпгина таъбирлар ўтказилмоқда. Украина театр жаҳияти ёзувчи бағишлаб Киевда катта мусика-театр кечаси ўтказилди. Кечадан Украина пойтахтидаги корхоналар, муассасаларнинг вакиллари, санъат ходимлари, адабиётчилар, қардош республикалардан келган меҳмонлар ҳозир бўдилар.

Кечани Украина ССР халқ артисти П. Т. Сергеев очди. Санъатшунос И. Нискув украин санъатининг ривожлантиришда И. Франконинг роли тўғрисида доклад қилди. Сўнгра концерт берилди. Концертда ёзувчининг пьесаларидан парчалар, унинг шеърлари ёзилган романслар ва кўшиқлар ижро этилди. Харьковда Горький номидаги марказий маданият ва истироҳат паркида тематик кечалар ташкил этилди. Парк лекторисиди «Иван Франко—халқлар дўстлиги учун оташин курашчи», «Иван Франко ижодий меросининг жаҳоншумул аҳамияти», «И. Франконинг фалсафий қарашлари ва бошқа темаларда лекциялар ўқилмоқда. Парк қиротхонасида И. Франконинг рус маданияти ва адабиётининг прогрессив арбоблари билан алоқалари, шунингдек чет мамлакатлардаги адабиётчилар билан алоқалари тўғрисида ўқувчи билан суҳбатларда жуда кўп киши тўғрисида.

Львов областидаги 200 дан кўпроқ қишлоқ драма коллективлари таланти ёзувчининг пьесаларини сахнага қўймоқдалар. Озес район маданият уйи «Князь Святослав» туши» номи кўп пардали пьесани юбилей кунларига тайёрлади. Ново-Милатинск районига И. Франконинг Борислав ҳикоялари асосида спектакль қўйилмоқда. Область халқ ижодиёти уйи буюк украин ёзувчисининг асарларини энг яхши ижро этишчилар учун конкурс ўтказмоқда.

Ровно областининг хаваскор артистлари ҳам И. Франконинг кўп пьесаларини ижро этмоқдалар. Бу ердаги кўпгина концертларда И. Франконинг шеърлари ўқилмоқда, унинг шеърларига ёзилган кўшиқлар ва романслар ижро этилмоқда.

Тернополь областининг шаҳарларида ва қишлоқларида И. Франконинг ҳаёти, ижоди ва революцион фаолияти тўғрисида 400 дан кўпроқ лекция ўқилди. Шу областининг Збараж районидида Черняхивский қишлоғида юбилейга бағишланган кеча жуда яхши ўтди. Колхозчи В. Л. Чекрай ва қишлоқдаги бошқа кекса кишилар И. Франко билан учрашиб турган эдилар. И. Франконинг шу қишлоқда А. Грецуякка бағишланган «Икки конституция» деган асарида австрийс ва украин помешчиклари зулми остида яшаган ҳеҳонларнинг оғир ҳаёти ҳикоя қилиб берилган. Энди бу қишлоқ аҳолиси миллионлаб даромад олаётган «Раднесска армия» қишлоқ хўжалик артелига бираванганлар. А. Грецуякнинг авараси Н. Салетский тўрт хоналик қишлоқда уйда яшмоқда. Унинг яна бир авараси Д. Голуб ҳам ўзига яхши уй қуриб олган. Қишлоқда клуб, кутубхона бор.

Ажойиб украин ёзувчисининг асарлари мамлакатнинг ҳамма жойида машҳур бўлиб, қадранмоқда. Шу кунларда Беларуссияда кутубхоналарда, клубларда, маданият уйларида И. Я. Франкога бағишланган виставкалар очилди. Украин халқининг буюк фарзанди Франконинг СССРдаги кўп халқларнинг тилида нашр этилган асарлари шу виставкаларда кўрсатишмоқда. Чувашистон меҳнаткашлари халқлар дўстлиги куйчисининг ёрдами хотирасига ҳурматлаб аста олмақдалар. Унинг ҳикоялар тўлаими чуваш тилида нашр этилди. И. Франконинг маҳаллий шoirлар томонидан таржима этилган шеърлари альманахларда ва журналларда босилмоқда. Чебоксарларда янги кўча демократ ёзувчининг номи қўйилди. (ТАСС).



Оқатларондаги ерости газ станцияси қурилиш ишлари суръатда олиб боришмоқда. Суратда: қурилиш топшириқини 180 процентга етказиб бажарётган илгор монтажчилардан (чапдан) Т. Фини-накская ва В. Сильнова ўртоқлар иш устиди.

В. Сироткин фотоси.

«Социалистик Ўзбекистон»нинг 8-сон

Ҳар ойда бир марта чиқадиган ижтимоий-сиёсий, суратли журнал «Социалистик Ўзбекистон»нинг 8-сон

Журналнинг бу сони Хиндистон республикасининг вице-президенти доктор Сарвапалли Радхакришнан асосларини Тошкент меҳнаткашлари самийи кутуб олаётганликлари билан очилди. Шунингдек, Андижон «Автотрактордетал» заводининг бош инженери Г. Кипнисининг «Машина Андижонда йиғилди...», Н. Стрельцовнинг «Нукс декадага тайёрланмоқда», Қорғонистонда, қўриқ ерда рубрикаси остида «Буюк жасорат», Ю. Ульяновнинг «Партия Чакириги билан», Д. Полнинининг «Сталинбод яқинидаги рўйиш», В. Рацковнинг «Иесик кўл қирғоқларида» сарлавлари мақолалари босилган.

Бундан ташқари «Физкультура оммата», «Эронли меҳмонлар», «Қувончдан дам олиш, ижодий меҳнат» сарлавлари редакция мақолалари ва бошқа материаллар босилган. Журнал қишлоқ, нафис фото суратлари билан безатишган.

Тематик кечалар

Тошкентдаги С. М. Киров номидаги маданият ва истироҳат парки меҳнаткашларнинг маданий дам олиш жойларидан бирига айланиб қолган.

Шунинг учун ҳам бу ерга ҳар кун юзлаб кишилар келиб, қўйилган дам оладилар, яхши ҳордиқ чиқаришмоқда.

Паркда тез-тез оммавий сайлалар бўлиб туради. Шунингдек, бу ерда турли тематик кечалар, илмий-оммавий лекциялар, болалар тарбиясига доир суҳбатлар ўтказилади. Булардан ташқари, паркда план бўйича тоқдани кишилар билан учрашувлар ўтказили, кинолекторий ташкил этиш каби ишларга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Паркда комсомол-ёшлар учун ташкил этилган лекциялар гоят қизиқарли ўтмоқда. Булар орасида Ўзбекистон ЛКСМ район комитетининг лекторларидан Векслар, Курносоева ўртоқлар томонидан ўқилган «Қурилиш техникаси англоликлар», «Совет химия саноатининг сўнгги ютуқлари», «Ўзбекистон саноати олтинчи беш йилликда» сингари актуал темалардаги лекцияларини 500 дан ортиқ комсомол-ёшлар тингилди.

Тез-тез ўтказиб туриладиган адабий кечалар ҳам кишиларни жуда қизиқтирмоқда. Яқинда ўзбек совет адабиётининг асосчиси Х. Ҳ. Нисийнинг ҳаёти ва ижодида бағишланган кеча ўтказилди. Кечадан адабиётшунос, филология фанлари доктори Изаат Султонов «Ҳамма — шoir ва драматург» деган темада доклад қилди. Максим Горький номидаги театрининг артистлари эса Х. Ҳ. Нисий шеърларидан намуналар ўқиб бердилар.

Отоқда ўзбек шoirи Ҳамид Олимжон ижодида бағишланган ўқувчилар конференцияси ҳам мазмунли ўтди.

Шу кунларда парк ҳолимлари ота-оналар билан ҳамкорликда «Ота-оналар ва болалар» темасида катта диспут ўтказилишига қиярли тайёргарлик қўймоқда.

А. АЛИЕВ.

Концертлар

Муқимий номидаги республика музикали драма ва комедия театрининг ижодий коллективи Пахта байрами муносабати билан областининг «Ўзгана районларида, шунингдек Тошкент шаҳар меҳнаткашларига бағишлаб бир неча концертлар қўйиб берди.

24-25 август кунлари театр коллективи томонидан «Қизил шар», «Қизил Ўзбекистон», Ленин номи полкларда пахтакорларга катта концертлар берилди.

26 августда театрининг ёғи ва қишлоқ биноларида «Тоҳир ва Зухра», «Сурмазон» спектакллари намоиш қилинди.

27 августда катта байрам концерти бўлди. Концертда республикада хизмат қўзган артистлардан Фароғат Раҳматова, Абдуғафур Абдурахмонов, артистлардан Шералӣ Пулатов, Ҳамза Умаров ва бошқалар қатнашдилар.

А. ТОШКЕНБОВА.

Тошкент области ва Тошкент шаҳри халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1956 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида

Тошкент область ва Тошкент шаҳар Статистика бошқармасининг ахбороти

1956 йилнинг биринчи ярмида Тошкент области ва Тошкент шаҳри бўйича саноат ва қишлоқ хўжалигининг тараққий этганини, қалта қурилишининг ўзгарилиги, товар обороти ва маданий қурилишнинг кенгайтирилганлиги ҳамда соғлиқни сақлаш ишларининг ривожлантирилганлиги қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

Тошкент области ва Тошкент шаҳар саноатининг 1956 йил биринчи ярмида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 103 процент, жумладан Тошкент области бўйича 102 процент ва Тошкент шаҳри бўйича 103 процент қилиб бажарилди.

Корхоналар ва ташкилотлар томонидан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани қуйидаги бажарилди.

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги бўйича:

1956 йил биринчи ярм йиллик планининг бажарилиши (процент ҳисобида)	103
Оқатларон цемент заводи	103
Хильково цемент заводи	95
Чирчиқ ойна заводи	125
1-гипс заводи бажармаси	71
2-гипс заводи бажармаси	104
3-гипс заводи бажармаси	110
4-гипс заводи бажармаси	109
5-гипс заводи бажармаси	100,01
6-гипс заводи бажармаси	92
15-гипс заводи бажармаси	106
16-гипс заводи бажармаси	100,1
18-гипс заводи бажармаси	122
21-гипс заводи бажармаси	84
22-гипс заводи бажармаси	106
Асбобруба заводи	94
Янги бинокорлик материаллари заводи	127
Тошкент ремонт-механика заводи	97
Мармар заводи	93

Тўқимачилик саноати министрлиги бўйича

Тошкент тўқимачилик комбинати	103
Область пахта тайёрлаш трести	98
Шу жумладан пахта тозалаш заводи:	
Оққўрғон пахта тозалаш заводи	100,8
Алимент пахта тозалаш заводи	104
Бобур пахта тозалаш заводи	89
Бекобод пахта тозалаш заводи	99,8
Далвария пахта тозалаш заводи	88
Мираш пахта тозалаш заводи	95
Пискент пахта тозалаш заводи	104
Тошкент пахта тозалаш заводи	103
Чиноз пахта тозалаш заводи	96
Янгийўл пахта тозалаш заводи	98
Жут-каноп заводи:	
Юқори Чирчиқ жут-каноп заводи	117
Гул жут-каноп заводи	102
Қўрғонда жут-каноп заводи	123
Ново-Жилзас жут-каноп заводи	113
Ново-Михайловск жут-каноп заводи	129
Солдат жут-каноп заводи	114
Тошовул жут-каноп заводи	111
Уяли жут-каноп заводи	138
Янгийўл жут-каноп заводи	100,2
Каноп Йилгир-тўғув фабрикаси	107

Енгил саноат министрлиги бўйича:

«Қизил тонг» тикув фабрикаси	108
1-тикув заводи	101
Чирчиқ тикув фабрикаси	100,5
Янгийўл тикув-пайфал комбинати	104
Тошкентдаги 1-пайфал фабрикаси	102
Тошкентдаги 2-пайфал фабрикаси	117
Чирчиқ пайфал фабрикаси	104
Кўн заводи	102
«Пластик» заводи	106
Стелка картон фабрикаси	106
Пайпоқ-трикотаж фабрикаси	104
Эгар-жабдуқ галактерия фабрикаси	95
Тўқимачилик-галактерия фабрикаси	102

Озин-оқнат товарлари саноати министрлиги бўйича:

4-ғе заводи	117
11-ғе заводи	103
Бўстонқўш консерва заводи	173
Тошкент консерва заводи	114
Янгийўл консерва заводи	120
Макарон фабрикаси	105
«Ўртоқ» кондитер фабрикаси	102
7-вино заводи	105
10-вино заводи	104
2-пиво заводи	102
6-пиво заводи	103
3-пиво-лимонат заводи	102
Тамоки фабрикаси	102

Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати министрлиги бўйича:

Тошкент гўшт саноати комбинати	115
Олмалик гўшт саноати комбинати	131
Оқатларон гўшт саноати комбинати	84
Бекобод гўшт саноати комбинати	103
Троицк гўшт саноати комбинати	122
Янгийўл гўшт саноати комбинати	115

Қурилиш министрлиги бўйича:

Бекобод ишлаб чиқариш корхоналари комбинати	192
Темир-бетон деталлари ва конструкциялар заводи	105
Етосозлик заводи	143
Бинокорлик материаллари заводи	62
Ремонт-механика заводи	137
2-қурилиш деталлари заводи	98

Шаҳар ва қишлоқ қурилиш министрлиги бўйича:

Электромеханика заводи	109
1-қурилиш деталлари заводи	75
«Узпереселестрой» трестига қарашли қурилиш заводи	78
Верхне-волинск қамши заводи	113

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги бўйича:

Аккумулятор заводи	115
1-автомобиль заводи	108
2-автомобиль заводи	104
4-автомобиль заводи	64

Маҳаллий ва ёқилги саноат министрлиги бўйича:

Автоген заводи	106
Ичалов номидаги металл буюмлари заводи	103
Аравасозлик заводи	103
Мебель фабрикаси	103
«Металлоинструмент» заводи	119
Маҳаллий ва ёқилги саноатининг область бўлими	107
Маҳаллий ва ёқилги саноатининг шаҳар бўлими	113

Хунарандчилик кооперацияси

Тошкент области бўйича	107
Тошкент шаҳри бўйича	101

Матлубот кооперацияси

Чирчиқ озиқ-овқат комбинати	94
Айрим корхоналар ва ташкилотлар ялпи маҳсулот бўйича плани бажарган бўлсалар ҳам, бирок энг муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқариш планини бажармадилар: 2-гипс заводи бажармаси, 15 ва 16-гипс	

заводлари бошқармалари гипс ишлаб чиқариш бўйича; 22-гипс заводлари бошқармаси черепица ишлаб чиқариш бўйича; мебель фабрикаси диван, ёзув столи ва буфетлар ишлаб чиқариш бўйича; Тошкент консерва заводи консервалар ишлаб чиқариш бўйича; Янгийўл консерва заводи мева консервалари ишлаб чиқариш бўйича; маҳаллий ва ёқилги саноатининг область бўлими гипс, черепица ва алюмин идишлар ишлаб чиқариш бўйича; маҳаллий ва ёқилги саноатининг Тошкент бўлими томта биладиган тош ишлаб чиқариш бўйича; область хунарандчилик кооперацияси совети гипс, оқак, черепица ва қамши маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқин бажармадилар.

1956 йилнинг биринчи ярмида маҳсулотнинг асосий турларини ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

1956 йил 1-ярм йиллик планининг бажарилиши (процент ҳисобида)	1956 йилнинг 1-ярмида ишлаб чиқарилган маҳсулот	94
Цемент	7,2 миллион дона	109
Шифер — (шартли плита ҳисобида)	821,9 минг квадрат метр	110
Дереза ойнаси	3,1 миллион квадрат метр	104
Толь	176,1 миллион дона	91
Гипс	4,5 миллион дона	83
Черепица		
Йиғма темир-бетон конструкция ва деталлар	13,1 минг кубометр	71
Иркин девор блоклари — (шартли гипс ҳисобида)	296 минг дона	21
Шлак блоклари — (шартли гипс ҳисобида)	4,1 миллион дона	86
Оқак	10,6 минг тонна	104
Асбоцемент трубалари	604 шартли километр	88
Аравалар	7,8 минг дона	102
Пахта толаси	62,6 минг тонна	97
Каноп ва жут толаси	3,6 минг тонна	90,7
Ип газламалар	98,8 миллион метр	100,3
Устки трикотаж кийимлар	416 минг дона	111
Ичка трикотаж кийимлар	2,4 миллион дона	102
Пайпоқ ва носкилар	391,8 минг жуфт	100,2
Пайфал	2768 минг жуфт	102
Мол ёғи (колхозларда ва уйда тайёрланганидан ташқари)	913 тонна	115
Ўсимлик мойи (колхозларда тайёрланганидан ташқари)	5770 тонна	104
Ўшт	8564 тонна	104
Қолбаса маҳсулотлари	2943 тонна	136
Консервалар	8537 минг шартли банка	115
Узум виноси	304,4 минг диктолитр	104
Пиво	1285 минг диктолитр	100,1
Папиролар	1352,1 миллион дона	100,9

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1955 йилнинг шу муддатидаги қараганда 7 процент ортди. Бир қанча энг муҳим буюмлар ишлаб чиқариш қуйидаги миқдорда қўпайди: гипс 10,3 миллион дона ёки 6 процент, черепица 214 минг дона ёки 5 процент, оқак 1377 тонна ёки 15 процент, йиғма темир-бетон конструкция ва деталлар 5,8 минг кубометр ёки 79 процент, ип газлама 1843 минг метр ёки 2 процент, кондитер маҳсулотлар 1470 тонна ёки 25 процент, гўшт 1144 тонна ёки 15 процент, консервалар 743 минг-банка ёки 10 процент.

1956 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришга янги техникадан жорий қилини, асқириб қолган ускуналарни модернизация қилини, ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш давом этди. Рационализаторлик ва иxtiroчилик янда тараққий қилди.

1956 йилнинг биринчи ярмида меҳнат унумдорлигини ошириш плани 101 процент бажарилди. 1955 йилнинг шу давридагига нисбатан меҳнат унумдорлиги 3 процент ортди.

Бироқ саноатда ишчилар меҳнатини ташкил қилиш соҳасида кўпгина камчиликлар мавжуддир.

Саноат корхоналарининг кўпгина қисми меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармади. Бир қанча корхоналарда ишчи кучининг қўйимсизлиги кўп. Қурилиш ва смена иши давомида иш вақтининг беркорга ўтказили, маъмуриятнинг руҳсати билан ишга кеч келиш ва мутлақо келмай қоллиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда.

Ишлаб чиқариш саноат маҳсулотининг таннархи ўтган йилга ўртача таннархига қараганда 5 процент камайтирилди. Илланган ташқари 1 миллион сўмлик маблаг иқтисод қилинди. Лекин айрим корхоналар планда қўзғатилган таннархдан анча ортиқ маблағларни сарфлашга йўл қўймоқдалар. Хильково цемент заводи, 1, 5, 6 ва 21-гипс заводи бажармаси, ойна идишлар заводи, Чирчиқ тикув фабрикаси, Янгийўл жут-каноп заводи, ёғоч идишлар заводи ва бошқалар шулар жумласидандир.

Саноатда брак ва унумсиз харажатлардан ҳамон катта зарар кўришмоқда.

II.

1956 йили маккажўхори ва оқ жўхори экиладиган майдонлар кенгайди. Кўп йиллик ўтлар экин майдони қисқартирилди.

Колхозлар баҳори экин экин планини бажармадилар.

1956 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалигини техника билан қуроллантириш даражаси ўсиб, экинларга илов берил учун тракторлар ва турли янги қишлоқ хўжалик машиналари олинди.

Область колхозлари 1956 йили пахтачиликда агротехниканинг илгор усулларини жорий қилишни қулайтирдилар. Ўтган йилга қараганда бу йил 48 процент кўп майдонга чигит квадрат-уялаб экилди. Бунинг натижасида қўзан икки томонлама ишлаш анча юқори суръатда олиб борилди. Ўзгалари минерал ўғитлар билан озиқлантириш колхозларда ўтган йилга нисбатан бирмунча ушшоқлик билан ўтказилди. Бироқ қўзан сугорилишда орқада қолди.

1956 йилнинг биринчи ярмида табиий ва екилган ўтлар ўтган йилнинг шу муддатидаги нисбатан кўп ўрилди, лекин илчан ўриш плани бажарилмади.

1955 йилнинг 1 июлидаги нисбатан 1956 йилнинг 1 июлидаги колхозларда жамоат чорвачилиги қуйидаги қўпайди: қорамол 3 процент, шу жумладан ситилар 8 процент, ҳар хил эчки қўйлар 4 процент, чўчка 80 процент.

Колхозларда 1955 йил 1 октябрдан 1956 йил 1 июлга сўт тайёрлаш 1954-1955 йилнинг шу муддатидаги қараганда 51 процент қўпайди. Шу вақт ичида колхозларда ҳар бир ситилдан соғиб олинган с

